Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316711

КОРХОНАЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Тохиржонов Асадбек Санжарбек ўғли
Андижон машинасозлик институти,
4 курс, Иқтисодиёт йўналиши талабаси
(*Илмий раҳбар. Иқтисодиёт кафедраси*
катта ўқитувчиси ***Г.А.Саттикулова)***

Кишилик жамиятининг вужудга келиши, яъни жамоа бўлиб яшаш ва ишлаш инсоният онгининг такомиллашиб боришига туртки бўлди. Инсоният онгининг ривожланиши натижасида борлиқни ўрганиш борасида турли фикр ва қарашлар пайдо бўла бошлади. Хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш фикри ҳам жамият ривожланишининг натижасидир. Корхоналарни тўғри, оқилона бошқариш, унинг молиявий ҳолатини яхшилаш, рақобатбардошлик қувватини ошириш хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятига тўлиқ эркинлик берди. Янгича иш юритиш, жумладан, ташқи ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамкорларни танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш долзарб масала бўлиб майдонга чиқди. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ишларини яхшилаш корхона самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, фойдаланилмаётган ресурсларни аниқлаб, уларнинг келгусида янада ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради. Бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳар хил шаклдаги бизнесни ва ишбилармонликни ривожлантириш шунга олиб келадики, корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари – фойда ва рентабеллик корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичларига айланади. Республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган бир шароитда иқтисодиёт секторларининг узлуксиз фаолият юритиши ва барқарор ривожланиши муҳим ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ғоят муҳим йўналишларини белгилаб берувчи асосий устувор усуллар белгилаб олинди. Мазкур масалаларни тўғри мушоҳада қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023-йили Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида ушбу масалага танқидий баҳо бериб, шундай деган эдилар: “Янги Ўзбекистонни яратишда, олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модерни-зациялаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишнинг асоси

Published: 17.05.2024

Cite this article: Тохиржонов Асадбек Санжарбек ўғли (2024). Корхоналарни иқтисодий самарадорлигини ошириш. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316711

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ҳисобланади”. Шу жиҳатдан қараганда, корхоналарнинг барқарор фаолият юритишида, ишлаб чиқариш жараёнининг барча элементлари, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил мукаммал ишлаши керак.

Иқтисодиёт секторида бозор муносабатларини чуқурлаштириш ушбу соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таҳлилини такомиллаштириш, уни барча секторларнинг тузилмасига ва ўзгаришларига мос тарзда қайта қуриш, корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш ва назорат қилишнинг мақсадли шаклини ишлаб чиқиш ҳамда қарор топтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам кейинги йилларда республикамизда бошқарув ва молиявий таҳлилга эътибор кучайган. Агар илгари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш билан фақат молия, банк, статистика органлари ва юқори ташкилотлар шуғулланган бўлсалар, эндиликда бу иш билан юқорида кўрсатилган ташкилотлардан ташқари солиқ органлари, аудиторлик идоралари, жамоа ташкилотлари, ационерлар, таъминловчилар, истеъмол-чилар ва бошқа органлар, ташкилотлар ҳам шуғулланишмоқда. Бу ҳолат молиявий таҳлил, жумладан, уни бажариш услуби олдига янги талаблар қўймоқда. Саноат корхоналарида молиявий фаолият таҳлили йўналишлари, бизнинг фикримизча, қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади: глобал мақсадлар (ташкилот самарадорлигини ошириш учун яширин, фойдаланилмаётган захираларни аниқлаб топиш, бунинг натижасида мумкин бўлган максимал фойдани олишга эришиш); умумий мақсадлар (бошқарув қарорларини асосли қабул қилиш учун материаллар тайёрлаш); шахсий мақсадлар (аниқ иқтисодий вазият билан белгиланади).

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, korxonalardagi bunday muammolarni hal

qilish uchun va moliyaviy ko‘rsatkichlarni yaxshilash bo‘yicha quyidagi chora-tadbirlarni

amalga oshirish maqsadga muvofiqdir: xarajatlarni kamaytirish (ularni optimal-

lashtirishni maksimal darajada oshirish). Bu tadbirlar foydaning pasayishini to‘xtatishga

yordam berishi kerak. Xarajatlarni samarali nazorat qilish tizimini yaratish xarajatlarni

kamaytirishning juda samarali usuli hisoblanadi. Xarajatlarni to‘g‘ri hisobga olish orqali

kamaytirish mumkin. Ishlab chiqarish jarayonidagi roliga qarab zaxiralarning konsen-

tratsiyasini o‘zgartirish orqali faoliyat turg‘unligini oshirish, zaxiralar miqdorini

kamaytirish kerak. Yaponiyaning “Just in time” usulini qo‘llash maqsadga muvofiq. Shu

bilan birga, tovarlarni markazlashtirilgan saqlash va chiqarish, hujjat aylanishining tezligi

va sifatini oshirish kabi samarali nazorat tartiblarini joriy etish orqali sotib olish

buyurtmalari sohasidagi faoliyatga alohida e’tibor qaratish lozim.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, korxonalardagi bunday muammolarni hal

qilish uchun va moliyaviy ko‘rsatkichlarni yaxshilash bo‘yicha quyidagi chora-tadbirlarni

amalga oshirish maqsadga muvofiqdir: xarajatlarni kamaytirish (ularni optimal-

lashtirishni maksimal darajada oshirish). Bu tadbirlar foydaning pasayishini to‘xtatishga

yordam berishi kerak. Xarajatlarni samarali nazorat qilish tizimini yaratish xarajatlarni

kamaytirishning juda samarali usuli hisoblanadi. Xarajatlarni to‘g‘ri hisobga olish orqali

kamaytirish mumkin. Ishlab chiqarish jarayonidagi roliga qarab zaxiralarning konsen-

tratsiyasini o‘zgartirish orqali faoliyat turg‘unligini oshirish, zaxiralar miqdorini

kamaytirish kerak. Yaponiyaning “Just in time” usulini qo‘llash maqsadga muvofiq. Shu

bilan birga, tovarlarni markazlashtirilgan saqlash va chiqarish, hujjat aylanishining tezligi

va sifatini oshirish kabi samarali nazorat tartiblarini joriy etish orqali sotib olish

buyurtmalari sohasidagi faoliyatga alohida e’tibor qaratish lozim.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, корхоналардаги бундай муаммоларни ҳал қилиш учун ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: харажатларни камайтириш (уларни оптималлаштиришни максимал даражада ошириш). Бу тадбирлар фойданинг пасайишини тўхтатишга ёрдам бериши керак. Харажатларни самарали назорат қилиш тизимини яратиш харажатларни камайтиришнинг жуда самарали усули ҳисобланади. Харажатларни тўғри ҳисобга олиш орқали камайтириш мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига қараб захираларнинг концентрациясини ўзгартириш орқали фаолият турғунлигини ошириш, захиралар миқдорини камайтириш керак. Япониянинг “Just in tim” усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, товарларни марказлаштирилган сақлаш ва чиқариш, ҳужжат айланишининг тезлиги ва сифатини ошириш каби самарали назорат тартибларини жорий этиш орқали сотиб олиш буюртмалари соҳасидаги фаолиятга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ortiqov A.A.Sanoat iqtisodiyoti Darslik.- T.:Sano-Standart, 2014-304b
2. https://www.norma.uz/
3. Иванов И.Н., Беляев А.М и др. Производственный менежмент. Учебник для бакалавров/ под. Ред. И.Н. Иванова.-М.: Юрайт, 2013.-574 с.